

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛЧИЕВ ҚАҲҲОР ВАҲОБОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МАКОН ВА ВАҚТ  
КАТЕГОРИЯСИ**

(кичик лирик шеърлар мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Юлчиев Қаҳҳор Ваҳобович**

Ҳозирги ўзбек шеърлятида макон ва вақт категорияси (кичик лирик шеърлар мисолида)..... 3

**Юлчиев Қаҳҳор Ваҳобович**

The category of space and time in modern uzbek poetry (on the space of example of small lyric versis)..... 37

**Юлчиев Қаҳҳор Ваҳобович**

Категория пространство и время в современных узбекских стихах (на примере малых лирических жанрах)..... 70

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....75

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛЧИЕВ ҚАҲҲОР ВАҲОБОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МАКОН ВА ВАҚТ  
КАТЕГОРИЯСИ**

(кичик лирик шеърлар мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Fil168 рақам билан рўйхатга олинган.

Тадқиқот Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Сувон Мели**

филология фанлари доктори, профессор

**Ҳасанов Шавкат Аҳадович**

филология фанлари доктори, профессор

**Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна**

филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "14" декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-29, факс (99873) 244-46-03; e-mail: [fardu\\_info@mail.ru](mailto:fardu_info@mail.ru)).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (126 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-46-02.

Диссертация автореферати 2021 йил "30" ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил "30" ноябрь даги 37 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.М. Искандарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**М.Т. Зокиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф. н., доцент

**А.Ф. Сабиринов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., доцент

## КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқлари бадиий-эстетик тафаккурида борлиқнинг мавжудлик шартларидан бири бўлган бадиий макон ва вақт категориясининг алоҳида ўрни бўлиб, ҳар бир миллат, халқнинг адабий-бадиий асарлари мазкур тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бадиий асар шакл ва мазмун бирлигини намоён этувчи функционал категория бўлган бадиий макон ва вақт, топохронос бадиий асар кўринишларини тўла намоён этиб, асар мазмунидаги салмоқдорлик, ифодадаги оригиналликни акс эттиради. Адабиётшунослик илми учун мазкур категориялар бўйича амалга оширилган изланишлар, жумладан борлиқни яхлит тушуниб, ифодалаш анъаналари амалий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигидаги бадиий макон ва вақт категорияси, хронотоп, топохронос, кичик лирик шеърда композиция, лирик жанрда сюжет, образ ва образлилик таҳлиliga оид илмий-назарий тадқиқотлар, ўзбек учликлари, япон хайкуси ва корейс сичжоси орасидаги ўзаро яқинлик, алоқадорлик, фарқли томонлари ҳақидаги назарий масалалар мазкур ўзбек шеърятини намуналаридаги поэтик муаммоларни ёритишда фундаментал асос вазифасини ўтайди. Лирик топохронос атамасининг луғавий маъноси, илмий истилоҳи, назарий хусусиятларини таснифлаш, топохроноснинг лирик шеър композицияси, сюжети, образи, кечинмасига таъсири лирик шеър жанрини белгилашда қўлланиши мумкинлигини, бу эса ўз навбатида лирик шеърларни тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, онтологик ва структурал таҳлил усуллари аспектида ўрганишни тўлиқ асослаши мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида кейинги беш йилда бирлик, иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, ғазал, туюқ, рубоий каби кичик лирик шеърлар шакл ва мазмуни ҳамда улардаги лирик кечинма, образларга алоҳида эътибор берилиб, мазкур жанрлар доирасида кенг қамровли тадқиқотлар йўлга қўйилган. Лирик шеърда топохроноснинг кенг қўлланиши кичик шеърдаги лирик сюжет унсурлари, лирик кечинма табиати, лирик ифода ва образ масалалари орқали замонавий лирик қаҳрамон муаммоларини тадқиқ этишни тақазо этади. Зеро, “Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам”<sup>1</sup> кўяр экан, олимларимиз дунё адабиётшунослари билан ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг бадиий-эстетик, илмий-назарий, илмий-амалий доирадаги тадқиқотларни бажаришлари керак бўлади. Ижодкорларимиз одамнинг ички кечинмаси, ўй-фикри, орзумидини тасвирлаяптилар. Шу орқали ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг инсон руҳиятига таъсири очиқ берилмоқда. Зеро, адабиёт одам учун ҳаёт мактаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

<sup>1</sup> “Миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли”. Президент Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2019, 22 октябрь.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Бадиий макон ва вақт категорияси, топохоронос, хронотоп ҳамда уларнинг қўлланиши бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: Оксфорд университети (Марк Брюн, Сэмюэл Тейлор Кольдриж – Буюк Британия), Кейс шарқий захиралар университети (Марк Тернер, Case Western Reserve – АҚШ), Париж университети (Жан Поль Сартр, Гастон Башлярд, Кевинтин Мейясу – Франция), Амстердам университети (Вивиан Эванс – Нидерландия), Санкт-Петербург университети (М.В.Никитин), Москва давлат университети (Д.С.Лихачёв, М.М.Бахтин, Е.Хализев, Н.Д.Тамарченко – Россия), Калуга давлат университети (Балашова Е.А. – Россия), Андижон давлат университети (С.Мирзаева), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (С.Мели), Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Б.Каримов, У.Жўрақулов), Тошкент давлат педагогика университети (И.Ёқубов).

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий макон ва вақт бирлигига оид тадқиқотларда мазкур категориянинг бадиий асар композициясидаги ўрни, образ, сюжет муносабатлари, шу категорияни “топохоронос”, “хронотоп” дея талқин этиш ёки бадиий макон ва вақтни алоҳида ўрганиш асосида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: Марк Брюн бадиий маконнинг асар структурадаги ўрнини У.Ворстворднинг “Муқаддима” романи мисолида;

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳи: <http://www.oxfordhaqngfbooks.com>; <http://poemhunter.com>; <http://www.psu.com>; [www://spsu.ru](http://www.spsu.ru) [www.atibook.ir](http://www.atibook.ir); [www.gumer.ru](http://www.gumer.ru); <http://books.mgu.ru>; [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.royallib.ru](http://www.royallib.ru) каби сайтлардаги илмий асар, автореферат ва маълумотлар асосида тайёрланди. Улар бўйича тадқиқот давомида яна кенгрок маълумотлар берилди.

Марк Тернер асардаги макон структурасида бадий вақт жойлашувини уч қисм ва унинг таркиблари билан очиб берган (Оксфорд университети, Буюк Британия); Ж.П.Сартр макон асос эмас, шакл ҳам эмас, асоснинг мукаммалиги эканлигини, Г.Башлярд макон бирламчилигини кўрсатган (Париж университети, Франция); Жон Каддон бадий асарнинг мавжудлиги макон ва замонда ифодаланишини “аура” деб аташни таклиф этади (Лондон Университети, Буюк Британия); Квентин Мейясу вақт тугаса ҳам макон мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатган (Париж университети, Франция); Вивиан Эванс эса макон ва замон муаммосини онтологик нуқтаи назардан ўрганган (Амстердам университети, Нидерландия); Д.С.Лихачев бадий макон ва замон категориясини рус адабиёти тадрижи такомлида беради (Москва давлат университети, Россия); М.М.Бахтин хронотоп атамасини (Мордовия педагогика институти, Россия), М.В.Никитин топохронос адабиётшуносликка олиб кирган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия).

Жаҳон адабиётшунослигида бадий асардаги макон ва вақт бўйича, хусусан, лирик шеърдаги бадий макон ва вақт бирлиги, топохронос, хронотоп бўйича изланиш олиб борилмоқда: бадий макон ва вақт бир вазиятнинг икки жиҳати эканлиги; лирик шеърда хронотоп бадииятини кўрсатиш; учлик шеър бадииятида маконнинг юзага чиқиши; лирик шеърда топохронос композицияга асос бўлиши; учлик, хайку, сичжонинг ўхшаш ва фарқли томонларини асослаш; лирик кечинмани хусусиятларини пейзаж ва портрет каби унсурлар асосида очиб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётшуносликда борлиқни бадий идрок этиш ва шу асосда лирик асар яратиш муаммоси Платон, Аристотель асарларидан бошлаб тадқиқ этиб келинади. Абу Райҳон Беруний маълум макондаги ҳодиса вақт чегарасидан ўта олмаслигини таъкидласа, Абу Наср Форобий мутлақ макон, субстанция ва ундаги замон муносабатларини метафизик нуқтаи назардан баён этади. Абу Али ибн Сино шеърдаги ритм, ўлчов, интонация вақт билан боғлиқлигига урғу беради, Имом Ғаззолий борлиқдаги макон ва вақт категориясини мушоҳада йўли билан англашни таъкидлаган. Нажмиддин Кубро макон ва вақт бирлигини икки қисмга ажратиб, “офоқ ва анфусия” назариясини илгари сурган<sup>3</sup>. Муаммо бўйича Ғарбий Европанинг Квинт Гориций Флакк, Иммануэл Кант, Георг Вильгельм Фридрих Гегель, Иоганн Готфрид Гердер, Мартин

---

<sup>3</sup> Афлотун. Давлат: насрий дoston. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015; Аристотель. Метафизика. Перевод с греческого П.Д.Первова и В.В.Розанова. – Москва: Институт философии, теологии и истории св. Фомы, 2006; Бируни А. Индия: Пер. с араб./Репринт с изд. 1963 г. –Москва:Ладомир, 1995; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (Танланган асарлар). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993; Абу Али ибн Сино. Шеър санъати <http://www.e-adabiyot.uz.adabiyotshunoslik>. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Тафаккур китоби. – Тошкент: Тошкент ислом университети, [www.ziyouzcom.uz](http://www.ziyouzcom.uz); Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. Исҳокова З. Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент: O‘zbekiston, 2013. – 136 б.

Хайдеггер, Жан-Поль Сартр, Жон Каддон<sup>4</sup> каби олимлари томонидан изланишлар олиб борилиб, фикрлар билдирилган.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб муаммога эътибор янада кучайди. Рус филологиясида “топохронос” атамасини М.В.Никитин қўллайди. Аслида бу атама Италияда XVII асрда Габриэл Бичелинининг тасвирий санъат асарига нисбатан қўлланган. Кейинчалик Л.Тимофеев, Ю.М.Лотман, Г.Поспелов, М.Д.Ахундов, И.Султон, Ё.Исоқов, Х.Гадамер, И.В.Стеблева, Е.В.Хализев, В.Н.Топоров, Н.Д.Тамарченко, А.Хайитметов, Ҳ.Умуров, Д.Тўраев, Д.Курунов, Қ.Йўлдошев, С.Мирзаева, Б.Каримов, Е.А.Балашова, У.Жўрақулов кабилар ҳам муаммога эътибор қаратишди<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup> Квинт Горация Флакк / Курунов Д., Раҳмонов Д. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008; Кант, Иммануэл. Критика способности суждения. – Москва: Искусство, 1994; Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан Махмуд Абдуллаев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2011; Гердер, Иоганн Готфрид. Идеи к философии истории человечества. 674 с. [www/bdn-steiner.ru](http://bdn-steiner.ru); Хайдеггер М. Бытие и время. Пер. с нем. В.В. Библихина. – Харьков: «Фолио», 2003. – с. 59–78 <http://yanko.lib.ru>; Жан-Поль Сартр. Бытиеи ничто. [www//royallib.ru](http://royallib.ru); Cuddon, J. A. A dictionary of literary terms and literary theory / – 5th ed. – London: Wiley Blackwell, 2013. [www.Atibook.ir](http://www.Atibook.ir)

<sup>5</sup> Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007. – 819 с.; Germania topochno stemmata grahica sacra et profana Gabrieli Bucelini, Ulmate, 1655 / <http://www.collecta.fr/p/col-ouv-03075>. [www.books.google.co.uz](http://www.books.google.co.uz); Тимофеев Л.И. Проблемы теории литературы. – Москва: Учебно-педагогическое издательство, 1955; Ахундов М.Д. Концепции пространства и времени: истоки, эволюция, перспективы. – Москва: Наука, 1982. – 224 с.; Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998; Поспелов Г.И. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1979; Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983; Хализев В.Е. Теория литературы. Москва: Высшая школа, 1999; Гадамер Х. Истина и метод: Основы филос. герменевтики: Пер. с нем./Общ. ред. и вступ. ст. Б.Н.Бессонова. – М.: Прогресс, 1988; Теория литературы: В 2 т. / Под ред. Н. Д.Тамарченко. – Т. 1: Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – М.: Издательский центр «Академия», 2004; Стеблева И.В.К реконструкции древнетюркской религиозно-мифологической системы. / Тюркологический сборник. – Москва: Наука, 1972. – С.213–226. Топоров В.Н. Пространство и текст. Текст: семантика и структура. – М., 1983; Темирболат А.Б. Проблема хронотопа в современной прозе: Учебное пособие. – Алматы, 2003. – 199 с.; Каменарович М.Б. Проблемы пространства и времени: Монография. – М.: Издательство МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2004. – 432 с.; Sul-ton, Izzat. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O‘qituvchi, 2005; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 548 б.; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004. – 146 б.; Ёкубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006; Шутая Н.К. Типология художественного времени и пространства в русском романе XVIII – XIX вв. Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Москва, 2007. – 35 с.; То‘раев Д. Yangi o‘zbek adabiyoti. – Toshkent: Fan, 2008. – 136 б.; Умарова М. Тарихий драмаларда бадий вақт концепцияси (Шекспир ва Фитрат драмалари мисолида): Филол...фан... номз...дисс... автореф. – Тошкент, 2011. – 24 б.; Ёкубов И. Бадий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. жанр, Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015; Инг Ёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўн” дostonларининг қиёсий типологияси. Фил.фан. ... док. дис. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2014; Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2017. – 288 б.; Маслова А.Г. Поэтика времени и пространства в русской поэзии последней трети XVIII века. Автореф. диссерт ... док. фил. наук. – Киров. 2014; Милиев Сувонкул (Сувон Мели). Глобал илмий-бадий талқин поэтикаси. Филология фанлари доктори (DSc.) диссертацияси. – Тошкент, 2020; Ни Н.И. Сиджо в системе жанров мировой лирике и традиций корейской национальной культуры. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Алматы. 1999; Балашова Е.А. Функционирование русской стихотворной идиоллии в XX–XXI вв.: вопросы типологии. Диссертация на соискание ... док. филол. наук. – Калуга, 2015. – 625 с.; Қувватова Д.Ҳ. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. Фил.фан. док. Диссертацияси, 2016; Ҳамдамов У.А. XX аср ўзбек шеърининг бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филология фан. док. диссертацияси. 2017; Рязанова С.В. Пространство и время в художественном творчестве. Дисс. ... канд. филос. наук. – Санкт-Петербург, 2017. – 221 с.; Назаров Ў.Ж. Омон Мухтор романларида бадий хронотоп муаммоси (ўзбек адабиёти материаллари асосида). Филол. фан. фалс. док. ... дисс. – Тошкент: 2018. – 157 б.; Тўраева Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси. Филол. фан. фалс. док. ... дисс. – Тошкент: 2018. – 157 б.; Хурсандов Д.Б. Ҳозирги ўзбек шеърининг хронотоп поэтикаси. Филол. фан. б. фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Самарқанд, 2020; Шульдо



Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бадиий замон ва бадиий макон, хронотоп шакллари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, С.Мирзаеванинг ўзбек халқ романик дostonларидаги бадиий макон (тоғ, чўл, дарахт) ва замон муносабатлари, Б.Каримовнинг насрий асарларда, И.Ёкубовнинг мустақиллик даври романларида макон ва замон, У.Жўрақуловнинг Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп бўйича тадқиқотлари шулар жумласидандир. Д.Кувватова дostonлардаги замон ва даврга, У.Ҳамдамов лирик шеърятга замон таъсирини, С.Мелиев эса глобал талқиндаги макон ва замон ҳақида фикр юритган. Олиб борилган изланишларда муаммога турлича ёндашувлар кўринади. Хусусан, замон ва макон, хронотоп муаммоси насрий асарларда кўпроқ тадқиқ қилинган, лирикада эса нисбатан камроқ изланишлар олиб борилган. Лирик шеърятда бадиий макон ва бадиий вақт категориялари, уларнинг бирлиги – топохронос нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Зеро, лирик композиция, лирик сюжет, лирик образ ва бадиий тил муносабатларини ғазал, рубоий, учлик каби лирик жанрлардаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш, бадиий тафаккур тадрижини ўрганиш орқали бадиий-эстетик қарашларни сайқаллаб, теранлаштириб бориш зарур бўлади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ “Ўзбек адабиётшунослиги бўйича илмий-тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари” дастури доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик лирик шеърнинг юзага чиқиши, жанр, композиция, лирик кечинма, образ ва образлиликда бадиий макон ва бадиий вақт категорияси, жумладан, топохроноснинг ўрнини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиётдаги бадиий макон ва замон категориясига оид илмий-назарий қарашларни ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик ва тарихий аспектда тадқиқ этиш, тизимлаштириш;

ўзбек мумтоз шеърятда бадиий макон ва вақт категориясининг тарихий тараққиёти ҳамда такомилени кўрсатиш;

лирик шеърятдаги бадиий макон ва бадиий замон, бадиий замон ва бадиий макон, хронотоп, топохронос каби тушунчаларнинг терминологик маъноларига аниқлик киритиш, қўлланиш доирасини белгилаш;

лирик шеър композицияси, сюжети ва лирик кечинма ифодасида топохроноснинг мувофиқлаштирувчи, умумлаштирувчи, лирик субъект ички

---

И.А.Имплицитность как принцип текстообразования анализа литературного текста(на материале испанских литературных памятников XII–XVII вв.). Диссертация ... док. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 34 с.; Насиров А.Н. Одил Ёкубов романлари поэтикаси. Филология фан. док. дисс. автореф. – Самарқанд: 2018. – 70 б.; Давлатова Р.Х. Ўзбек тилининг дейктик бирликлари. Филол.фан. доктори (DSc) автореф. – Тошкент: 2020. –71 б.; Ёкубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – 336 б. Гарипова Г.Т. Принципы миромоделирования в русской прозе хх века (неклассическая парадигма художественности). Специальность 10.01.01 – Русская литература. Диссер. на соиск. ... доктора филол. наук. – Владимир, ВГУ, 2021. – 612 стр.

оламидаги ботиний оламини аниқлаштирувчи каби қатор бадий-эстетик функцияларини аниқ мисоллар ёрдамида исботлаш;

кичик лирик шеър жанрини белгилашда топохроноснинг ўрни ва аҳамиятини учлик лирик жанри мисолида кўрсатиш, шу йўл билан улардаги шаклий-услубий ўзига хослик, жанрий такомил ва бадий-эстетик хусусиятларни баҳолаш;

учликларнинг япон хайку ва корейс сичжолари билан қиёсий-типологик таҳлил қилиш ҳамда уларнинг шаклланишида бадий топохроноснинг ролини аниқлаш, мисралар миқдори ва композицион қурилишига кўра ўзаро яқин жанрларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш;

кичик лирик шеър структурасида топохроноснинг шеърий матндаги вазифаси, унинг ўтмиш, бугун, келажак топослари билан яхлит тизимга киришишини ўрганиш;

шеър структурасидаги топохронос билан образ ва образлиликнинг ўзаро муносабатини ўрганиш ҳамда шу йўл билан бадий макон ва бадий замон мутаносиблигининг бадий тафаккур тадрижидаги аҳамиятини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида замонавий ўзбек шеъриятининг Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Турсун Али, Фулом Фатҳиддин шеърлари олинган. Шунингдек, қўйилаётган муаммонинг генезисини аниқлаш мақсадида Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Ҳамза шеърларига ҳамда ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа намуналарига ҳам мурожаат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ишга жалб этилган лирик шеърлардаги бадийликни таъминловчи бадий макон ва бадий вақт категорияси ҳамда унга боғлиқ бўлган лирик композиция, лирик кечинма, лирик образ, лирик сюжет, лирик жанрлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, систем-структурал, қиёсий-типологик, онтологик таҳлил методлари, тавсиф, тасниф усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кичик лирик шеър поэтик структурасидаги бадий макон ва вақт унсурларининг композиция, сюжет, образ моҳиятини очиб беришдаги аҳамияти ўзбек фольклори, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ва ҳозирги ўзбек шоирлари шеърлари асосида аниқланган;

ғазал, рубоий каби кичик лирик шеърлардаги пейзаж, портрет, образ каби топохронос воситаларининг лирик кечинма табиати, шеър мазмуний композициясининг юзага чиқишидаги ўрни асосланган;

бадий макон ва бадий вақт категориясининг муайян шеър матни доирасидаги юзага чиқиш ҳодисаси топохронос сифатида олиниб, барг, йўл, боғ, денгиз каби аниқ деталлар орқали топохроноснинг шеър моҳиятини кўрсатувчи макон ва вақт муносабатида макон-вақт шаклини ифодалаши ҳақидаги назарий қараш илгари сурилган;

Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Абдулла Шеър учликлари япон хайкуси ва корейс сичжоси билан қиёсий таҳлил этилиши натижасида шу типдаги шеърларда топохронос юзага чиқишининг ўзбек учликларида метафора, ирония, мажоз, қофия, вазн каби фарқли ва шеърларнинг уч мисра бўлиши, афористиклик хусусияти, ассоциатив фикрлашга ундаши каби муштарак жиҳатлари саналган бўлиб, бунда ҳар бир миллат, халқ бадий тафаккурининг ўзига хослиги далилланган;

кичик лирик жанрлар, жумладан, учликнинг композиция, образ, кечинма сингари бадий константаси сифатида топохронос ҳам олиниши зарурлиги ҳамда унинг лирик образ ички кечинмасини реал борлиқнинг поэтик юклама олишга қодир унсурларини шеъринг матнга киритиш орқали юзага чиқиши Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Анвар Обиджон, Усмон Азим шеърлари мисолида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек шеърлятида макон ва замон категориясини ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик ва тарихий аспектда тадқиқ этиш орқали чиқарилган назарий ва илмий хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ўзбек адабий танқиди тарихи, ҳозирги адабий жараён, бадий таҳлил асослари каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

макон-замоннинг кичик лирик шеър поэтик хусусиятларини аниқлашдаги бадий-эстетик вазифалари кўрсатилган;

кичик лирик шеър структурасидаги топохронос ва унинг турли хусусиятлари шеър структураси, сюжети, кечинма ифодасини конкретлаштиришга хизмат қилиши исботланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган монография ва илмий мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг бадий-эстетик дидини ошириши, ўзбек шеърлятини ўргатишдаги амалий аҳамиятга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, структурал таҳлил, тавсиф ва тасниф усуллари орқали асослангани, ўзбек ва жаҳон адабиётининг турли даврларга оид ишончли назарий манбаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изланиш хулосалари ўзбек шеърлятининг бутун тараққиёти давомида, айниқса, замонавий шоирлар ижодидаги шаклий-услубий ва композиция янгиланиши ҳақидаги билимларни тўлдириб, адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабий танқиди тарихи, қиёсий адабиётшунослик каби фанлардаги лирик шеърда макон ва вақт бирлиги, топохроноснинг лирик жанр, композиция, сюжет ва конфликтни ташкиллашдаги ўрни ҳамда учликнинг

хайку, сичжо билан қиёсий-типологик таҳлиliga оид қарашларнинг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, макон ва замон категориясининг кичик лирик шеърятдаги ўрнига оид илмий-амалий қарашлар замонавий ўзбек шеърятдаги шаклий-услубий изланишлар бўйича илмий кузатишлар олиб боришда, келажакда қиёсий адабиётшунослик бўйича тадқиқотлар яратишда ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ҳозирги ўзбек шеърятда бадиий макон ва вақт категорияси (кичик лирик шеър мисолида)” мавзусидаги диссертациядан олинган илмий натижалар асосида:

кичик лирик шеър поэтик структурасидаги бадиий макон ва вақт унсурларининг композиция, сюжет, образ моҳиятини очиб беришдаги аҳамиятига оид хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида 574097-ЕРР-1-СУ-ЕРРКА2-CDHE-JP рақамли, “RUECVIT: Россия ва Ўзбекистон миллий касб-хунар таълими ва ўқитиш тизимларида касбий таълим ва ўқитиш учун Европа кредит трансфери тизими (ECVET)ни синовдан ўтказиш бирликларини бошқариш (2016-2019 г.г.) номли халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Қўқон давлат педагогика институтининг 2021 йил 15 апрелдаги 279-сон—маълумотномаси). Натижада шеърый асар таҳлиliga янгича ёндашувга эришилди;

кичик лирик шеър поэтик структурасидаги шаклий-услубий ўзгаришлар ўзбек фольклори, ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон адабиёти услуб ва тамойиллари ҳамда ижодкорлар шахсий изланишлари асосида шеърятимизнинг кейинги ривожланишини белгилаб берганига оид асосий натижалардан Германия Федератив Республикаси Бохум Рур университети филология факультетида “Адабиёт назарияси”, “Қиёсий адабиётшунослик” фанларини ўқитишда фойдаланилган (Бохум Рур университетининг 2021 йил 25 мартдаги маълумотномаси). Натижада Германиялик талабаларни ўзбек шеърятини намуналари ва уларнинг мазмуни билан таништириш имконияти яратилди;

кичик лирик жанрлар, жумладан, учликнинг композиция, образ, кечинма сингари бадиий константаси сифатида топохронос олиниши зарурлиги ҳамда унинг шеър бадиий хусусиятларини очишига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429-рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2021 йил 29 апрелдаги 212-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган танқидий матнларнинг илмий-назарий асослари кенгайтишига эришилди;

ғазал, рубоий каби кичик лирик шеърлардаги пейзаж, портрет, образ каби топохронос воситаларининг лирик кечинма табиати, шеър мазмуний композициясининг юзага чиқиши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда бажарилган ФА-А1 Г006-рақамли “Қорақалпоқ халқ кўшиқларининг тестологик таҳлили ва нашрга тайёрлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилди. ((Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2021 йил 29 апрелдаги №212-сон маълумотномаси). Натижада таҳлил этилаётган матнлар структурасининг назарий асосига ҳисса қўшилди;

Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Абдулла Шеър учликлари япон хайкуси ва корейс сичжоси билан қиёсий таҳлил этилиши натижасида шу типдаги шеърларда топохронос юзага чиқишининг ўзбек учликларида метафора, ирония, мажоз, қофия, вазн каби фарқли ва шеърларнинг уч мисра бўлиши, афористиклик хусусияти, ассоциатив фикрлашга ундаши каби муштарак жиҳатлари ҳақидаги хулосалардан ОТ-Ф-1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадий-ижодийёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги 2017-2020 йилларда бажарилган лойиҳа доирасида чоп этилган “Баркамол авлод – давр талаби” номли илмий-услугий кўрсатмада фойдаланилди. (Фарғона давлат университетининг 2021 йил 25 мартдаги 121-сон маълумотномаси). Натижада ижодкорларга илмий янгиликлар етказилишига эришилди;

учликнинг мазмуний композицияси, лирик кечинманинг оний лаҳзада улкан ботиний маконни шакллантириши ҳақидаги мулоҳазаларидан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” адабий тўғараги фаолиятида, адабий кечаларда, ёш ижодкорлар билан бўлган учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2021 йил 13 июлдаги 01-03/944-сон маълумотномаси). Натижада тўғарак машғулотлари илмий-назарий жиҳатлари, адабий учрашувлар илмий савияси ортди;

бадий макон ва бадий вақт категориясининг муайян шеър матни доирасидаги юзага чиқиш ҳодисаси топохронос сифатида олиниб, барг, йўл, боғ, денгиз каби аниқ деталлар орқали топохроноснинг шеър моҳиятини кўрсатувчи макон ва вақт муносабатида макон-вақт шаклини ифодалаши ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан Тожикистон Республикаси академик Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети ўзбек филологияси факультетида “Ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси” фанларини ўқитишда фойдаланилган (Тожикистон Республикаси Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университетининг 2021 йил 15 мартдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада маъруза, семинар ва амалий машғулотларнинг ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён мавзуларининг мазмуни бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ишнинг асосий илмий хулосалари 8 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та илмий мақола, улардан 2 таси халқаро журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 266 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида қўйилган назарий муаммонинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ёритилган. Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг объекти, предмети, тадқиқот усуллари, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бадий макон ва вақт: генезис ва ривож”** деб номланиб, муаммо икки фаслда муҳокама этилган. Биринчи фаслда “Муаммонинг асослари: ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетиква тарихий аспектда” ўрганилган. Фасл аввалида макон ва вақт категориясининг умумфалсафий категория эканлиги, лирик шеърятда хронотоп ва топохронос тушунчаси бир ҳодисанинг икки қирраси эканлиги ҳақида сўз юритилади. Топохронос макон ва вақт бирлигини ифодаловчи атама бўлиб, унда макон бирламчи, вақт иккиламчи, хронотопда эса бунинг акси бўлади. Топохронос маданиятшунослик, тилшунослик каби соҳаларда ишлатилиб келинади<sup>6</sup>. Тилшуносликка уни М.Никитин жорий этган.

Платон лирикадаги бадий макон ва вақт бирлигини иккига ажратади: 1) кўриладиган бадий макон ва вақт (реал) – бунга лирик субъектнинг ташқи борлиқни ифодалаш билан боғлиқ объектив деталь, жараён кабилар киради. Улар кўпроқ воқеабанд шеърлар, баллада, дostonларда учрайди; 2) идрок қилинадиган бадий макон ва вақт бирлиги (ирреал) эса субъектив оламда яратилган ички мавжудлик бўлиб, уни лирик шеърятдаги субъектив макон ва вақтга нисбатан қўллаш мумкин.

Арастунинг “Поэтика санъатининг келиб чиқишига очиқ-ойдин иккита сабаб бўлиб, иккаласи ҳам табиийдир. Биринчидан, тақлид, ўхшатиш инсонга болалиқдан хос бўлган хусусият... ўхшатиш гармония ва ритм сингари қадимданок, одамларнинг табиатига хос хусусиятдир”<sup>7</sup>, дея қайд этади. Инсон табиатга ўхшатиб асар яратар экан, демак, у табиатдаги макон ва

<sup>6</sup> Қаранг: а) Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007. – 819 с.; б) Грачев В.И. Парадигмально-аксиологический анализ мифопоэтики “крымского романтизма” как хронотопного художественного культуряфеномена. / Культура культуры. Научное рецензируемой периодическое электронное издание. <http://cult-cilt.ru.paradigmamal-axioloical-analisisof-mythopoetic/> 2021.15.01.16.13. ташриф буюрилган.

<sup>7</sup> Юкоридаги манба. – Б.24.

ҳаётдаги вақт, ҳаракатларга ўхшатиб ҳам бадиий макон ва бадиий вақтни яратади, дейиш тўғри бўлади.

Форобий “Балки билиш инсон моҳияти ёки инсон моҳияти таъсирларидан биридир. Агарда билиш инсон моҳияти таъсирларидан бири бўлса, унинг моҳияти, бу таъсир (ҳаракат) рўй бераётган онда энг юксак баркамолликка эришишига бўлган интилиш узра пайдо унинг (моҳиятнинг) таъсиридан (ҳаракатидан) иборат бўлади”, дейди<sup>8</sup>. Инсонни кичик олам эканлиги ҳақидаги нуқтаи назардан келиб чиқиб, катта оламда мавжуд бўлган макон ва вақт тушунчаси, нарса ҳаракати инсон ботинида ҳам юз беришини тўғри тасвирлайди. Абу Райҳон Беруний фикрича, “Қадимги юнонларнинг таълимотига биноан қадимдан бешта нарса мавжуд: Яратувчи (унга шарафлар бўлсин!), умумий қалб (жавҳар), биринчи материя, абстракт макон ва абстракт вақт. Мана шу беш асосда у ( ар- Розий – Ю.Қ.) ўзининг таълимотини яратган”<sup>9</sup>. Гарчи бу ерда гап, асосан, оламнинг яратилиши ҳақида борса-да, ундаги асослар бизнинг тадқиқотимизга яқин бўлиб, олим вақт ва макон дунёнинг асосини ташкил этишини алоҳида кўрсатган. Бу борада Абу Али ибн Сино, Имом Ғаззолий, Нажмиддин Кубролар салмоқли фикрлар билдиришган. Манбаларда вақт ва макон бирлиги муаммосида гоҳ макон етакчи бўлиши, гоҳ эса вақт етакчи деган мулоҳазалар кўзга ташланади. И. Кант буюмларнинг маконга хос сифатидан ташқари, уларни ҳиссий тасаввур қилиш соф субъектив эканлигини, шундай бўлса-да макон буюм, ҳодисаларни юзага чиқаришда етакчилигини эътироф этади<sup>10</sup>.

Гегель “У (яъни гўзалликнинг мавжудлик чегараси) табиатдаги гўзаллик билан санъатдаги гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларнинг фақат бир маконда ёнма-ён туришини англатади, чунки улар ўртасида микдорий, демак, фақат ташқи тафовутлар мавжуд бўлади. ... Фақат руҳгина ҳақиқий, кенг қамровли асос сифатида ҳақиқатни англатади ва жами гўзалликлар Олийга даҳлдорлиги ҳамда унинг томонидан яратилганлиги учун ҳақиқий гўзаллик ҳисобланади,<sup>11</sup> дейди. Мазкур мулоҳазаларда Гегель реал макон билан ботиний макон ўзаро нисбий тенгликка эгаллиги, шундай бўлса-да, руҳий макон нисбатан олий эканлигини таъкидлайди.

Замонавий адабиётшунослигимизда макон ва вақт муносабати тўғрисида баъзи фикрлар учрайди. Хусусан, А.Саъдий “санъатни юрак ва миялар орқали янгидан гўзал равишда суратлаб кўрунган табиат ва турмушдир” дейишга ҳам мумкиндир. Ҳосил табиатда ишланмаган нарсалардан чиройлик – гўзаллиги билан одамнинг фикр ва ҳисларин, хаёлларин ҳаракатга келтирарлик бир равишда бир одам бошиндан ишланиб чиққан гўзал санъат бўладир”<sup>12</sup>, дея қайд этади. Бу ерда олим кўриниб турган макон ва вақтни

<sup>8</sup>Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (Танланган асарлар). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.57.

<sup>9</sup>Юқоридаги манба. Ўша жой.

<sup>10</sup>Кант, Иммануил. Критика способности суждения. – Москва: Искусство, 1994 – С.13.

<sup>11</sup> Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан Маҳмуд Абдуллаевтаржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2011. – Б.3

<sup>12</sup> Саъдий, Абдурахмон. “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари”дан / Мумтоз шарқ поэтикасиманбалари Ҳ.Болтабоев талқинларида. 1-китоб. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – Б.73.

шоир ўз ички оламида жиддий қайта ишлаб кўрсатиши ҳақида фикр билдирган. Реал маконнинг ботиний маконга таъсири тўғри кўрсатилган. Олим Гегель юксак деган ботиний маконнинг баъзи хусусиятларини кўришимиз мумкин. Демак, ботиний маконга кўчган ва бадий қайта ишланадиган реал воқеалик шоир кўрсатган структура, композиция, услуби ва тил воситаларига эга бўлади. Тўғри, асос реал макон, аммо, у жиддий қайта ишланган бўлади. Бу эса уни ташқи макондан юксакроқ эканлигини кўрсатади.

Б.Каримов Туркистон жадидлари етакчиси И.Гаспиринский ҳақидаги мақолада “Ҳар қандай насрий-бадий асар воқеалари маълум бир макон ва замонда содир бўлади.Шу воқелик пафосига мос хронотопни адибнинг ўзи танлайди ёки ўз поэтик тафаккури орқали яратиб олади”<sup>13</sup>, деган хулосавий фикрни беради.У.Жўракуловнинг Алишер Навоий асарлари ҳамда “Ўткан кунлар” романидаги хронотоп шакллари ҳақидаги тадқиқоти эътиборга ҳам лойиқ ҳисобланади<sup>14</sup>. И.Ёкубов эса борлиқдаги жараёнларга муносабат инсон фикри ва кайфиятидан бошланишини таъкидлар экан, бунда вақт ва макон бирлигининг инсонга таъсирини кўрсатган<sup>15</sup>.

Профессор Д.Қувватова “Геро ва Леандр” (Ф.Шиллер) достонини Эркин Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” достони билан солиштирар экан, улардаги ўхшашликдан бирини “воқелик юз берган макон муштараклигига кўра, ҳар икки асарда ҳам асосий воқеалар сув, яъни денгиз бўйида бўлиб ўтади”, деган тўғри хулосага келади<sup>16</sup>. Эътибор қилинса, достонлардаги воқеалар аниқ маконда, айниқса, улардаги композиция, персонаж ва унинг ички кечинмаси моҳиятига кўра, асосий воқеалар сувга яқин жойда кечишига эътибор қаратилган.

Замонавий шеършунослиқда макон ва вақт категориясининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик аспектдаги тадқиқини Ўзбекистон шароитидаги тадрижий тақомили олим У.Ҳамдамов диссертациясида учратиш мумкин<sup>17</sup>. Уларда “даврнинг парчаси” бўлган шоирлар ғояси, психологияси муҳрланиб қолди. Шеърятда макон ва вақт бирлигида фақат замон категориясига ортиқча боғланиб қолиш ҳам реал борлиқни бадий-эстетик англашга салбий кўрсатиши мумкин.

Демак, макон ва вақт категорияси бадий тафаккурнинг асосидир дейишга тўла ишонч бор.

Бобнинг иккинчи фасли “**Ўзбек мумтоз шеърятда бадий макон ва вақт категорияси**” муаммосига бағишланган бўлиб, дастлаб фольклорнинг миф, халқ мақоли, халқ кўшиғи, тошбитиг кабилар, сўнгра ёзма адабиёт мисолида Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Лутфий Навоий ғазал, рубойлари

<sup>13</sup> Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016. – 364 б.

<sup>14</sup> Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. жанр, Хронотоп. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015. – 356 б.

<sup>15</sup> Ёкубов И. Бадий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2013. – Б. 121.

<sup>16</sup> Қувватова Д.Ҳ. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. Филология фан. док. диссертацияси. 2016. – Б.150-151.

<sup>17</sup> Ҳамдамов У.А. XX аср ўзбек шеърят бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филология фан. док. диссертацияси. 2016. – 260 б.



тахлилга тортилган. Бунда Ё.Исҳоқов, А.Ҳайитметов, Н.Раҳмон, И.Ҳаққул кабификрларига таянилган.

Атойининг қуйидаги байтида ҳам портрет орқали лирик сюжет тасвири бошланганига гувоҳ бўлиш мумкин:

Ул санамжисув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклукидин сув била ютса бўлур<sup>18</sup>.

Мазкур байт ҳаётининг картинанинг сўз ёрдамидаги ифодаси бўлиб, унда аниқ макондаги мавжудлик лирик субъект туйғулари, ички оламига таъсир этувчи гўзаллик сифатида олинган. Унда реал ҳаётдаги санам сув париси ҳақидаги афсонада таърифланган парига ўхшатиш. Шу билан санамнинг ғоятда нозик, тенгсиз гўзал эканлигини ифодаланган.

Алишер Навоийнинг “тамаъ” радифли ғазалида бадиий вақт ва макон категориясига тегишли хусусиятларни аниқлаш мумкин.

Тортгим ранжи хумор айлаб майи аҳмар тамаъ,  
Ул кишидекким қозар тоғ айлабон гавҳар тамаъ.

Байт-матлаънинг биринчи мисрасида тезис берилиб, унда лирик қаҳрамоннинг ўз ҳаётини таҳлил этиши натижасида туғилган умумий фикр лирик сюжетдаги экспозиция вазифасини ўтайди. Мисрадаги “майи аҳмар” сўз бирикмаси маконий деталь бўлиб, у ғазал мазмунини структурасининг моҳиятини очишга хизмат қилади. Яъни майи аҳмарошиқ руҳнинг ўз аслияти, манбаи Аллоҳга интилиши, мақсади, идеалига эришиши йўлидаги машаққатларининг якуни сифатида келган. Бу ерда мазкур ҳолат аҳмар, қизил ранг билан ифодаланиши лирик қаҳрамон, ошиқ ҳолатини янада таъсирчан қилиб кўрсатмоқда. Лирик қаҳрамоннинг ҳолати гавҳар истаб, тоғ қазийдиган кишига ўхшатилиш орқали конкретлик касб этган. Бу ерда аниқ макон ва унда аниқ касб эгаси (кончи) орқали муаллиф ўз ғоясини жонли тарзда ифодалайди. Яъни биринчи мисрадаги тезис иккинчи мисрада сюжетлилик касб этган.

Алишер Навоий ғазалларида ўз замонасини ифодалайди, ўз образи ва руҳий ҳолатини акс эттириш орқали аниқ вақт ва маконнинг штрихларини беради. Масалан, “*Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо, Эй кўнгул, келгилки, тарки жумлайи олам тутай*”<sup>19</sup> деган байтида чуқур руҳий изтиробни ифодалашда образ (“олам аҳли”) фаолиятининг сабаб ва оқибатлари макон ва вақт категориясининг белгилари (узлат, олам) орқали тасвирланган.

Алишер Навоий портрет усули орқали кичик шеърда образ характерини очиш йўли билан рубой жанри имкониятларини кенгайтирган. Қуйидаги рубойида портрет орқали лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, шеър пафоси юқори эканлиги ифодаланган бўлиб, бу ерда ҳам руҳий параллелизм мавжуд:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши.  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,

<sup>18</sup> Юқоридаги манба. –Б.352.

<sup>19</sup> Навоий, Алишер. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.559.

Бир-бир не дейин, бошдин-аёғинг яхши<sup>20</sup>.

Мазкур рубоийда лирик қаҳрамон маъшуқаси портретини содда, аммо таъсирли тарзда ифодалаган. Бунда унинг кўзи, қоши, лаби, дудоғи, ияги, ёноғи таърифланади. Бундан ташқари, бу ерда ёрнинг характери, очик юзлиги, яъни ширин сўзлаши ҳам келтирилган. Муаллиф инсон қиёфасининг барча қисмларига яхши таърифини берар экан, яхши сўзини етти марта такрорлаб, ўзига хос маъно кучайтиришни амалга оширган. Яхши сўзининг такрор қўлланиши орқали бадий тафаккур ва оҳанг бирлигидаги эстетик завқ усулини кўрсата билган.

Бошқа бир рубоийсида эса пейзаж ёрдамида бошига тушган фожеа, яъни севган кишининг вафотини ифодалайди:

Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардунни совурмоғлиғ эрур дилхоҳим.  
Кирмиш қаро туфроққа куёшдек шоҳим,  
Невчун қаро қилмасун куёшни оҳим?!<sup>21</sup>

Рубоийдаги ойнинг булут билан ёпилиши ва ундан сўнг бўрон туриши табиат ҳодисаси саналади. Куёш ботгач ҳам олам зимистон бўлиб, ҳамма нарсалар қатор кўринади. Шоир табиатдаги ана шу ҳодисаларга руҳий параллелизм, риторик савол, истиора, ташбиҳ, муболаға орқали янги маъно юклайди. Ой қора булут орқасида ўтганидек, севган кишим йўқ бўлгач, нима учун атрофни чанг тўзонга айлантирмай, куёшим ботди-ку, энди нега оҳим куёшга етиб, унинг юзини қора қилмасин, дейди. Демак, Алишер Навоий пейзаж, портрет усуллари қўллаш билан руҳий ҳолатини ҳам ифодалайди, ўзининг бадий-эстетик тамойилларини ҳам ифодалайди.

Тадқиқот предмети Ҳамзанинг “вор” радибли ғазали таҳлилида ҳам кўрсатилди:

Бу кунлар фурқатингда турфа ҳолу изтиробим вор,  
Нафас ичра туман-турлу чекарга кўп азобим вор<sup>22</sup>.

Ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, ҳижрон мотивига асосланган. Аслида мотив ҳам макон ва вақтнинг бирлигини юзага чиқишида асосий ўринга эга. Шу маънода ҳижрон мотиви ва унда кечаётган турли лирик кечинмалар лирик субъектнинг маълум вақт ичидаги ҳаёти ифодаси сифатида ўзига хос лирик сюжет вазифасини ҳам бажаради.

Хуллас, ўзбек мумтоз шеърлятида, хусусан, кичик лирик жанрдаги асарларда ҳам лирик вақт ва макон мавжуд бўлиб, уларда шоирлар жанр имкониятларидан келиб чиқиб гўзал бадийлик яратган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Лирик композициядатопохронос**” деб номланади. Унда ҳам қўйилган муаммони икки фаслда тадқиқ этиш мақсад қилинган. “**Лирик сюжет ва топохронос**” дейилган биринчи фаслда дастлаб М.В.Никитиннинг нутқий фаолиятга таъриф бераётиб, вақт ҳаракати,

<sup>20</sup> Навоий Алишер. Қаро кўзим. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.765.

<sup>21</sup> Навоий, Алишер. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 654.

<sup>22</sup> Ҳамза Ҳ.Н. Тўла асарлар тўплами: 5 томлик. Т.1. Девон. –Тошкент: Фан, 1988. – Б. 66.

ҳаракатнинг замон бўйлаб тақсимланиши ҳақидаги фикр ҳақида сўз юритилади.

Лирик шеърдаги воқелик муаллиф ва ўқувчиўртасидаги алоқа воситаси, мулоқот кўриниши сифатида маълум маконда юз беради. Бу эса лирик шеър ва ундаги кечинма, ўй-фикрларнинг сатрма-сатр ўсиб бориши лирик воқеликка алоқадор эканлигини исботлашга олиб келади. Яъни ҳар қандай лирик шеърда ҳам лирик композиция, лирик сюжет, лирик образ ва бадий тил мавжуд бўлади.

Масалан,

Ётар остонамда танҳо заъфар барг,  
Шамолнинг оҳидан тўкилган парча.  
Бу – ғамгин кузақдан энг сўнгги дарак,  
Энг сўнгги ноладир яшаб чарчаган<sup>23</sup>.

Банднинг биринчи мисраси сюжет композициясига кўра экспозициянинг бошланиши, мазмуний композицияга кўра, эса тезис вазифасида келган. Иккинчи мисрада метафорик усул ёрдамида барг деталени шамолнинг оҳидан парчага ўхшатилишида эса параллель равишда лирик субъект кечинмаси табиатидаги теран ғам кўринади. Шамол детали образга айланиб, унинг дарди, оҳу ноласидан парча сифатида барг олинган. Шамол куз ойларида иложсизликдан, чорасизликдан дод солиб ўкирган, дунёни остин-устун қилмоқчи бўлган одамга ўхшаб, дарахтларни силкитади, майсаларни юлқиб кетмоқчи бўлади, ковакларга кириб увлайди. Шоир парчадаги пейзаж орқали фикр ва туйғуларнинг ўзига хос диалектик ривожини акс эттирар экан, табиат манзараси замирида қалб уришлари, ҳислари, кечинмаларини ифодалайди. Биргина барг детали лирик субъектнинг ёлғизлигини, умр шамоллари унинг орзу-истакларини узиб ташлаганлигига ишора бор. Шеърнинг поэтик ғоясини ёрқин очиш учун барг деталининг шеърдаги шаклий-мазмуний тизими – барг → япроқ → ҳазондан унумли фойдаланилган. Бу тизим лирик субъектнинг эстетик идеалига олиб борувчи восита сифатида ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, улар замиридаги лирик воқелик аниқ маконда тасаввур қилинади. Унга ёрдамчи деталлар – “остона”, “шамол”ларнинг танланишида шоирнинг аниқ нияти ётади. Остона айнан уйнинг бошланиши, ёки акси кўчанинг тугаши бўлиб, икки ораликнинг ўртаси саналади. Бу бадий маконнинг лирик сюжетдаги ўрнида фарқлари борлигини кўрсатади. Уй топохронос сифатида, аввало, лирик субъект вужуди, туйғулари, орзулар билан боғлиқ кадрдон жой бўлса, остона ташқи макон сифатида реал ҳаётнинг, уйда айтиладидиган нарсаларга бироз зид келадиган, ўзига хос тартиб қоидага эга бўлган жойнинг бошланиши сифатида эътироф этилган.

Санъаткор воқеликни бадий идрок этиш жараёнида уни уч ўлчамли маконда тасаввур қилади. Сўнгра ана шу тасаввурдаги предмет, воқеа-ҳодисага ва жараёнга субъект муносабати шаклланиши билан диспозициядаги воқеаларнинг ўзгариши, ривожини бошланади. Бироқ у ҳали бадий асар эмас, диспозиция. Аммо, ўзини қийнаётган муаммо, бадий

<sup>23</sup> Саид Ғани, Ҳабибулло. Осмон каби мангу. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.84.

ниятни ифодалаш учун керакли макон структураси – композицияни қайта яратади. Демак, лирик шеърятда бадий макон тасвирий деталь ёки лирик кечинмага алоқадор барча предмет, нарса-буюмлар билан тўлдирилиб берилади. Буни қуйидаги шеър таҳлилида кузатиш мумкин:

У боғда сен қолдинг –  
Дарахтлар билан.  
Қушлар билан қолдинг. Тушларинг билан...  
Юрагингдан мени айладинг барҳам,  
Қандайдир беқайғу ишларинг билан  
Сўзларингда нега шеър йўқ?  
Билмайсан<sup>24</sup>.

Мазкур шеърда дастлаб умумий макон – боғ ифодаланган. Кейин эса шоир тасвирга янада аниқлик киритади ва дарахтлар, қушларни келтиради. Аслида боғ макониданоқ ўқувчи хаёлида ассоциатив тарзда дарахт кўплиги, унда қушлар борлиги ҳақидаги тасаввур шаклланади. Бу тасаввур ва ташқи борлиқдаги маконда ўхшашлик бор, лекин шеърдаги тасвир фонида лирик субъект мурожаат қилаётган шахс борлиги маконга муаллифнинг ўзгача бадий эстетик-функцияси юкланганини билдиради. Унда қачондир ўзи меҳр қўйган маъшуқа образини туш, юрак, шеър каби деталлар ёрдамида ўтган ва ҳозирги замон доирасида тасвирлайди. Айнан сюжет воқеаларига алоқадор деталь, образларни бир маконга тўплаши, шеър мазмунидаги асосий ғоя, лирик кечинма ва муаммони ёрқинроқлигини таъминлайди. Бу эса лирик композицияни шакллантиради. Бироқ, шоир тасвирлаётган макон ҳақидаги хотира, кечинмалар орасидан шеърдаги образ ва ғояга оид аниқ моҳиятни ажратиб бера олиши катта муаммо ҳисобланади.

Демак, М.В.Никитин илгари сурган топохронос назарияси макон бирламчилигини англатиш мақсадида қўлланса, лирик композиция ва унда сюжет, образ, тил ўзининг бадий мантиқий вазифасини нисбатан аниқроқ очиб беради. Шу ерда маконвақт ёки топохронос деганда яхлит маъно тушунилиши кўрилади. Бу маъно лирик асар (кенг маънода бадий матн)даги деталлар мазмуний тизимини лирик композиция билан структур яхлитликда ифодалайди.

Гастон Башлярд макон бадиияти ҳақида фикр юритар экан, Карл Юнг изидан бориб, оламни улкан уйга қиёслайди ва ундаги ертўла антик маданият, биринчи қаватдаги ҳар бир хона ва унинг деталлари инсон онгида унинг руҳи билан боғлиқ ноёб ҳодиса эканлигини, шеърда шоир ўзи босиб ўтган билим йўли, умрини англаш учун куч топади ва айнан шу аснода илҳом ва истисоднинг диалектик муносабатлари юзага чиқишини қайд этади<sup>25</sup>. Дарҳақиқат шеърда рух, қалб, идрок бирлиги бадий макон сифатида юзага чиқади. Фаслда Ғ.Фатҳиддин ва Турсун Али шеърлари таҳлили мисолида бадий макон лирик композициянинг асоси бўлиб, шеър структурасида

<sup>24</sup> Азим, Усмон. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 107.

<sup>25</sup> Bachelard, Gaston. The poetics of space. – New York: Orion press, 1964. – P. 3.

муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Хуллас, лирик шеърдаги кўзга кўринмас саналган сюжет, лирик образ ва уларнинг ифодасидаги бадиий тил топохроносга ҳам дахлдор бўлиб, шеър бадиийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида “**Лирик кечинма ифодасида топохроноснинг ўрни**” муҳокама қилинади. М.Хайдеггер, Г.Кетрин, Б.Саримсоқов, Е.В.Хализев, Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, С.Н.Бройтман, А.Сабирдинов каби олимларнинг фикрлари асосида Турсун Али, Гулом Фатҳиддин, Ш.Абдуллаев шеърлари таҳлилга тортилган.

Маълумки, ташқи таъсир натижасида “Сезги аъзолари орқали қабул қилинган сезим инсон табиатида мавжуд барқарор ва беқарор туйғуларга таъсир этиб, унинг ақл-идрокини, онгини жунбишга келтиради. Оқибатда, инсон қалбида туғилган ўзгариш унинг ақлий фаолияти билан, руҳиятида муайян жараёнларни вужудга келтиради. Мана шу жараён умумий тарзда кечинма, деб юритилади”<sup>26</sup>. Демак, кечинма ифодасида топохроноснинг аҳамияти катта саналади. Аввал топохронос нисбатан кенг тушунча эканлигини тушуниб олиш лозим. Чунки “Оламга дахлдор бўлишлик” онтологик тушунча ва борлиқнинг оламга асос бўлувчи лаҳзаси тузилишини англатади. Шунинг билан “олам” феномени тадқиқи ички олам моҳияти ва унинг мавжудлигидан ўтишини инкор қилинмайди”<sup>27</sup>. Демак, борлиқ ички оламдан ўтар экан, шоир ўзидан ўтказаётган маконнинг ўз кечинмаларига мувофиқ келадиган деталларини шеърга олиб қиради. Воқелик аниқ кўринишга кириши учун шоир уларга маконий деталлар ёрдамида топохронослик хусусиятини беради:

Йўл юраман. Йўл узун.  
Теграмда тишларин қайраб.  
Изғийди йиртқич совук.  
Бутун борлиғимни куйдирар  
Кўксимда ловуллаётган оловнинг тили<sup>28</sup>.

Бандаги йўл детали, совуқнинг йиртқич образи сифатида берилиши ва унга қарши равишда юрак образининг қўйилиши улар ўртасидаги мазмуний зиддиятни юзага келтирган. Йўл детали биринчи ўринда оддий йўл, метафорик асосда маъно кўчади ва у ҳаёт йўлига айланади. Шу билан йўл топохроноси лирик тасвир ва метафорик асосда субъект ҳаётини англатмоқда.

Шоир шеърларида оний кечинманинг реал ифодасини маконий тасвир, пейзаж орқали етказди:

Йўл.  
Буғдойзор  
Ботаётган кун каби  
Бормоқдаман уфқ сари.

<sup>26</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б. 78.

<sup>27</sup>Хайдеггер М. Бытие и время / М. Хайдеггер; Пер. с нем. В.В. Биbihина. – Харьков: Фолио, 2003. – С.84.

<sup>28</sup>Турсун Али. Ой япроғи.–Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.103. Шоиршеърларимазкурманбаданоллинган. Шеърсўнгидасаҳифасикўрсатилади.

Тугамаса йўл...  
Тугаса буғдойзор...[62]

Мазкур шеърда шоир йўл, буғдойзор топохронослари орқали заминни, Ватанни, уфқ тимсолида келажак ва ойдин орзуларини ифодалайди. Шу ерда қалбидаги Ватанга муҳаббат, ҳаётсеварлик, яратиш ғояларини кўрсатади. Йўл ва буғдойзор сўзларининг такрори эса улар англатган мазмунга таъкидни билдирса, кўп нуқта ҳаёт давомийлиги, кечинма табиатидаги табиийликни билдиради. Чунки шоир ички оламида синтезлашган топохронослар шоир бадий-эстетик қарашларитаъсирида янги юкламалар олади.

Аслида “бу ташқи макон – шунчаки биз тўқнаш келадиган макон бўлиб, биз у билан ўз мавжудлигимизнинг корреляти (мазмунни бошқа нарса билан тушуниладиган тушунча) сифатида тўқнаш келамиз. Шунинг учун бу оламга келгач, биз трансценденцияни амалга оширмаймиз: биз шунчаки “бир медалнинг икки томонини” тадқиқ этамиз, медаль эса ўзида фақат орқа томон борлигини билади”<sup>29</sup>. Шу маънода топохронос макон-вақт категориясининг бирикувини ифодалаши билан бизга бошқа оламларни ҳам биз тушунадиган тилда кўрсатади. Масалан, шоир пейзаж ёрдамида бадий олам яратар экан, табиат тасвири (яъни топохронослар)нинг ҳар бир деталига янги маъно юклаб, сўзнинг янги семантик қиррасини очиб беради:

Рангпар деразадан мўраларди жим  
Чинор оғушига яширинган ой.  
Ғира-шира тунда сузар хотиржам  
Жўнгина кулбамиз – тенги йўқ сарой.<sup>30</sup>

Мазкур парча умумий шеърнинг бошланмаси сифатида лирик қаҳрамон кўнглидаги ҳаётсеварлик ғояси, ошиқнинг кузатувчанлиги ва бағрикенглигини очиб беради. Ундаги чинор, ой, деталлари ўз бахтидан масрур ошиқ ва маъшук тимсоли бўлса, “кулба” детали “сарой” детали билан метафорик муносабатга киришиб, мазмуний зид эпитетлар ёрдамида лирик қаҳрамон кечинмасининг теранлигини акс эттиради. Биринчи мисрада берилган “дераза” детали эса лирик қаҳрамон юрагига нисбатан олиб борувчи йўл ҳисобланади. Унга “рангпар” сифатининг берилиши эса, бир томондан бу йўл кўхналигига ишора бўлса, иккинчи томондан лирик қаҳрамоннинг ошиқлик ҳолати ҳақида ҳам бадий информация бермоқда.

Субъектив оламда намоён бўладиган кечинма ва топохронос таҳлилини Шамшод Абдуллаевнинг “Қишлоқ чоллари” номли шеърида бу ҳолатни аниқ кузатиш мумкин<sup>31</sup>:

Этик кўнжидаги қамчи,  
хотиротга нақшбанд нигоҳ,  
Бесўнақай, бироқ, сергак оёқлар,  
остида кучукдай ғужанак ҳаёт.

<sup>29</sup>Мейясу К. После конечности: Эссе о необходимости контингентное. / пер. Л. Медведевой – Екатеринбург-Москва : Кабинетный ученый, 2015. – С.14.

<sup>30</sup>Фатҳиддин, Ғулум. Истақ. шеърлар. – Тошкент: Камалак, 1992. – Б.35.

<sup>31</sup> Абдуллаев Шамшод. Қишлоқ чоллари. / Ўзбек модерн шеърляти. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2003. – Б.12. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Келтирилган парчада чоллар тасвири образ сифатида топохронос бўла олади. Образлар этик, қамчи, хотира, нигоҳ, оёқ, ҳаёт деталлари ёрдамида шоирнинг ички оламини ифодалаган. Шоир учун бошидан кўп воқеалар ўтган, кўзларидан бутун халқ хотираси кўриниб турадиган, этиклари кўнжигга қамчи тикиб олган сергак чоллар реал ҳаёт эгаси бўлиб, уларнинг оёқлари остидагина ҳаёт кучукдай беозор ётибди. Бу ватан тасвирининг ёрқин образи ҳисобланади. Чоллар бутун халқ тимсоли бўлиб, уларнинг олдида вақт ҳам тўхтаган. Вақтнинг кучукка ўхшатилиб, беозор ётиши замирида чоллар мутлоқ топохроносда мавжудлигига ишора бор.

Хуллас, лирик кечинма ифодасида топохронос улкан макон ва замон мавжудлигидан лирик субъект бадиий ниятига мувофиқ қисмини танлаб олади. Бунда макон маълум штрихларда ифодаланади, бутун маконни тўла тасвирламайди, вақтни ҳам, аввало, лирик кечинма динамикасига оид ҳаракатлари ифодаланади. Бу эса топохроносни реал эмас, балки, лирик топохроносга айлантиради.

Учинчи бобда **“Топохронос ва лирик жанр муаммоси”** ҳақида баҳсга киришилади. Бобнинг биринчи фаслида **“Учлик ва топохронос”** муносабатлари тадқиқ этилган.

Лирик шеърда макон қайси шаклда намоён бўлмасин асар мазмунини ифодалашга, шаклни ташкиллашга хизмат қилади:

Ғимир-ғимирларга тўладир ҳаёт.  
сен қаёққа кетаяпсан, йўловчи?!  
Бир оз тўхта тин ол,  
Тингла ғаройиб баёт!<sup>32</sup>

Шеърда тирикликнинг ўзи гўзал деган азалий ҳақиқатни ифодалайди. Биринчи мисрадаги “ғимир-ғимир” аниқловчиси ҳаётнинг доимий ҳаракатига ишора қилади. Дунёда оддий инсонлик бахти ҳаммага ҳам насиб этмаётган даврда *“ғимир-ғимирларга тўла ҳаёт”*ни кузатиш кишига завқ, шавқ беради. Лирик субъект ҳаёт, йўловчи, баёт деталлари ва метафора, эпитетлар орқали оний кечинмани ёрқин лирик тасвирга айлантириб, ҳаётнинг гўзал картинаси (топохронос)ни намоён этган. Ундаги уч деталлардан бирини олиб ташланса, топохронос ўзгаради, бу эса шеърни тавсифийликдан медитативликка ёки ижровийликка ўтказиб юборади.

Жанр тарихий категория сифатида ўсиб, ўзгариб, йўқ бўлиб ёки пайдо бўлиб, бошқаси билан бирикиб боради. Шоир ўз шеърига мос шакл, жанрни танлайдики, бу жанрнинг мазмун-мундарижага боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Р.Уэллек ва О.Уорренлар жанрлар тарихини ўрганишдан маъни борми ёки йўқлиги, асарларни жанрларга бўлишда шу пайтгача аниқ, қатъий меъёр белгиланмаганини таъкидлаб, “Шу тариқа жанр муаммоси ҳам адабиётшунослик тарихи, ҳам танқидда асосий муаммолардан бири сифатида кўрилади”, деган хулосага келишади<sup>33</sup>. Лирик жанрларнинг қатъий чегараси

<sup>32</sup>Али, Турсун, Лахзалар суврати: – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.73.

<sup>33</sup>Рене Уэллек, Остин Уоррен. Теория литературы. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 255.

ва алоҳида нормаларини ишлаб чиқариш имкони мураккаблиги сабабли рус манбаларида ҳам шеърни мавзу (севги, гражданлик, фалсафий ва пейзаж), медитатив ва суггустив, маиший вазифалари (фольклар лирикаси) бўйича бир нечта аспектида тасниф қилиш тавсия этилган<sup>34</sup>.

Профессор Б.Саримсоқов қуйидагиларни ёзади: “Арасту поэзияни (адабиётни) турларга бўлганда амал қилган бош принцип мимессис, воқеликка тақлид қилиш, уни қайта яратиш бўлган... Ушбу тушунча асосида: 1) воқеликни қайта, ички идрок этиш асосидаги инсон ижоди; 2) бундай ижод эса онгли зот бўлган фақат инсон табиатига хос; 3) шу хусусияти билан у бошқа тирик мавжудотдан ажралиб туради; 4) инсонга завқ берувчи ижод; 5) мана шу хусусият билан инсон дастлабки билимларини олади; 6) инсон акс эттирган нарса яхлит ва фикрлашга ундайди; 7) умумлаштиради; 8) англаб этилган; 9) қайта идрок этилган нарса; 10) у ёки бу нуқтаи назар; 11) маиший-бетараф; 12) образ асосида ётган воқелик (прообраз) каби бир қатор яхлит олганда, реал-воқеликка тақлиддан яратилишга олиб борувчи ижодий жараённинг барча талаблари ётади”<sup>35</sup>. Кўринадикки, олим яратилган асарни турларга ажратишнинг асосларини кўрсатади, холос. Шундай бўлса-да улардан деярли барчасини, айниқса, “*ички идрок этиш асосидаги инсон ижоди*”, “*инсонга завқ берувчи ижод*”, “*дастлабки билимларини ол*”иши, “*инсон акс эттирган нарса яхлит ва фикрлашга унда*”иши, “*умумлаштира*”иши, “*англаб этилган*”, “*қайта идрок этилган нарса*”, “*у ёки бу нуқтаи назар*”, “*образ асосида ётган воқелик*” кабиларни кичик лирик шеърларга ҳам жорий этиш мумкин. Масалан,

Қор ҳиди димокқа урилди.

Ухлайди шамолнинг қўйнида

Баргларини тўкмаган райхон<sup>36</sup>.

Мазкур учликда шоир воқеликни бадиий қайта идрок этиш, шу орқали дастлабки билимни олиши, яхлит ҳолда қор остида қолган райхонни умумлаштириб, уни рамзийликка олиб чиқиши, ҳаётий воқеликни англаб, қайта идрок қилиб, образ асосидаги шахс турмуш қорлари остидаги одам эканлигини очиб берган. Бу ерда қиш топохроноси қор, шамол деталлари орқали ифодаланган. Чунки топохронос маконий деталь ва уларнинг вақт бўйлаб ҳаракатидан юзага чиқади. Демак, шоир учлик жанрини ифодалашда қиш топохроносидаги воқеани уч мисра ва композицияга жойлаштириб кўрсатган.

Ҳ.Умуоров қуйидаги таснифни келтиради: “1. Мазмун жиҳатидан: а) эстетик белги, пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар: марсия, элегия, инвектива, баҳс, ҳасби ҳол, соқийнома, топишмоқ, қасида, муаммо, таърих, хат, манзара, монолог, бағишлов, васият, васф, дебоча,

<sup>34</sup> Литературный энциклопедический словарь. / Под общ. ред. В.М. Кожевникова, П.А. Николаева. – Москва: Советская энциклопедия, 1987.–С.183-184.

<sup>35</sup> Саримсоқов Б. Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар./ Ўзбек адабий танқиди: [антология] / тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б.300.

<sup>36</sup> Рауф Парфи. Сўнгги видо. –Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – Б.124.



назира, фахрия; б) асосан мусикий асари ҳисобланса-да, адабий матнга ҳам суянган жанрлар: романс, контата, марш, сюита, кўшиқ, мадҳия;

в) оғзаки ва ёзма лирикада қўлланиб келинган жанрлар: алла, ёр-ёр.

2. Шаклжиҳатдан: а) шаклмазмундорлигиватузилишига кўра лирика жанрлари: айтишув, мустазод, сонет, мувашшаҳ, мушоира, ширушакар, қитъа, ғазал, туюқ, рубоий, маснавий, фард, таркиббанд, таржиббанд, ўрама, шоирий, тирада, турли бандли жанрлар, оқ шеър, сарбаст; б) мисра сони ва композицияга кўра лирика жанрлари: мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, мутасаа, муашшар, тўртлик, октава; в) қайта ташкил топиш (трансформация)га кўра лирика жанрлари: қитъайий, кесишган, таронаий, рубоийёна”<sup>37</sup>.

Бу борада профессор Д.Қуронови таснифи нисбатан тўғри саналади. “Ҳозирги шеърят жанрларини лирик кечинма субъекти ва объекти нуқтаи назаридан таснифлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаймиз. Бу жанрлардан лириканинг асосий жанрлари сифатида ижровий лирика, персонажли лирика, медитатив лирика ва тавсифий лирика (ва унинг кўринишлари: пейзаж лирикаси ва воқеабанд лирика) фарқланади. Аввало, мазкур тасниф билан боғлиқ битта муҳим нуқта – автопсихологик лирикани алоҳида ажратмаётганимиз сабабини изоҳлаш ўтишга зарурат бор. Гап шундаки, лирик асарларнинг аксарияти автопсихологик характерда, яъни ушбу шакл универсал табиатга эга: медитатив лирика ҳам, тавсифий лирика ҳам шаклдан автопсихологик бўлаверади”<sup>38</sup>.

Биз бирлик ва учлик жанрларнинг идентификациясини ишлаб чиқишда, асосан, Х. Умутов таснифидаги мисралар миқдори ва композиция жиҳатига таянганмиз. Ўрни билан Д.Қуронови таснифидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қиламиз.

Анвар Обиджон учликларида топохроноснинг пейзаж усули ёрдамидаги ифодаси ҳам катта бадиий-эстетик юк ташиydi:

Ёмғир тезлар ва тезлар,  
Ажиб ёқимтой сўзлар  
Оқиб тушар тарновдан. [99].

Лирик воқелик ташқи олам деталлари билан ифодаланар экан, шоир ўз асарига мос келадиган жанрни танлаш билан бирга зарур топохроносни ҳам танлайди. Чунки аниқ топохроносда намоён бўлган шеърини маълум жанр доирасида бадиий мукаммалликка чиқади. Ҳар қандай лирик жанр маълум топохронос асосида конкретлашади. Бунда лирик кечинма-топохронос-жанр лирик воқеликни ташкил этувчи, унинг бадиий-эстетик функциясини белгилайди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “Учликларнинг қиёсий-типологик таҳлили”га бағишланган. Унда ўзбек учликларини япон хайку ва **корейс** сичжолари билан қиёсланиб, уларнинг лирик композициясида топохронос, лирик қаҳрамон муносабатлари қиёсий аспектда ўрганилади.

<sup>37</sup> Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002, – Б.227-228.

<sup>38</sup> Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. –Toshkent: Akademyashr, 2018. – B. 394.

Маълумки, бадий матнда ифодаланган воқеа, нарса, ҳодиса маконга, замон улардаги жараённинг кетма-кет амалга ошиши ва давомийлигини англатади. Масалан,

Бир ақлли-ей мана бу қурмағур,  
Бир чиройлики мана бу,  
Булар ҳам туғилганмикин?<sup>39</sup>

Рауф Парфи риторик сўроқ ёрдамида ўзининг содир бўлаётган воқеага бўлган **кинояли** муносабатини ифодалайди. Бунда шоир реал борлиқдаги топохроносга лирик субъектнинг ички олами қарши қўйилган. Демак, ўқувчи ёки таҳлилчи учликдаги топохроносни ўрганиш давомида матн структураси ва унинг асосий мақсад-ғоясидан келиб чиқиб, матндан ташқарида бадий нутқ ёки матн парчасини структура доирасига жалб этиши лозим бўлади. Бу хусусият топохронос матн структураси ўртасидаги муносабатлар доирасини кенгайтиради.

Аслида хайку мисралари қофияланмайди, шеър 17 бўғиндан, ҳар қатори 5+7+5 бўғинли, кўпинча 2-мисрадан кейин цезурага эга. 15 асрда ҳазил мазмунидаги рэнганинг уч мисрали бошланиши – **зачин** сифатида пайдо бўлган. Мацуо Басё жиддий хайку яратиб, жанрнинг шаклий ва эстетик тамойилларини ишлаб чиқди<sup>40</sup>. Оддий шеърий нутқ ва эркин ифода хусусиятига эга. Мавзусига кўра асосан табиат ҳақида сўз боради. Шоир шахсий кечинмаларини очиқ ифодалаш хоккулар учун унчалик хос эмас. Уларда рамзийлик катта ўрин тутаяди. Хайкунинг хосияти шундаки, шоир уч сатрда ё чиройли бир манзара яратиши, ё лаҳзалик лирик кечинмани тасвирлаши ёки теран фалсафий фикрларни ифодалаш зарур. Демак, шоир аниқ топохроносни ўз бадий оламида синтез қилиш орқали қайта яратади.

Хайкудахиссий тўлиб тошганлик, энго (механик ассоциативлик), ёдзу (таассурот туғдириш, ишонтириш, яъни суггустивлик – **Ю.К.**) етакчилик қилади. Шаклий томондан эса у уч мисрали шеър, асосан пейзаж етакчилик қилади. Демак, типологик жиҳатдан шунга ўхшаш бўлган учликдаги баъзи жиҳатларни текшириб кўриш мумкин:

Атиргул ўлибди, –  
Хаёлимга урилди  
Марҳума хидлар<sup>41</sup>.

Мазкур лирик воқелик ассоциатив тарзда гул ўсадиган **макон ва** уни кўрган одам мисолида топохроносга айланган. Шеърнинг биринчи қаторида мавзу ва асосий муаммо берилган. Икки қаторда тезис, учинчи қаторда эса хулоса **келтирилган**. Шеърдаги атиргул ва хид деталлари лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаси билан тўйиниб образга айланган. Хид сўзига “марҳума” эпитетининг берилиши эса ўша кечинмаларнинг ўтиб кетгани, лекин лирик субъект ҳиссий идрокида унга дахлдор кечинмалар яшаётганини очиқ берган.

<sup>39</sup>Рауф Парфи. Сўнги видо. – Тошкент: O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2006, – Б.121.

<sup>40</sup>Литературный энциклопедический словарь. Под.общ.ред. В.М. Кожевникова, П.А.Николаева. – Москва: Сов. энциклопедия, 1987. –С.484.

<sup>41</sup>Шер, Абдулла. Хоккулар // Шарқ юлдузи, 1991, № 4. – Б.38.

Сичжо уч мисрадан иборат мустақил шакл ва мазмунга эга жанр саналиб, унинг биринчи ва иккинчи мисраларида иккитадан, тўртта туроқ бўлади. Бешинчи туроқ эса алоҳида қатор бўлади ва у уч бўғиндан ташкил топади. Умуман шеърда 14, 15 ёки 16 бўғин мавжуд бўлган.

Сонган (1537 – 1593)нинг қуйидаги шеърда висол чексиз бахтдир деган ғоя диний тушунчалар замирида ёрқин ифодаланган:

Йўл четида, юзма-юздир  
Тош Буддалар –  
Йўқ ҳижрон.

Шеърдаги бу ердаги макон бутун борлиқ, замон эса ибтидо ва интиҳогача бўлган замонларни қамраб олади. Топохроноснинг бу каби улкан қамрови кичик лирик шеърдаги Яратган, яъни Будда номи билан боғлиқ. Шеърда Будда хайкаллари учрашиб, узоқ вақт йўл четида яшашлари куйланган. Тош сокинлик, давомийлик, умид, мангулик маъноларини билдиради Улар йўл – ҳаёт ўткинчилигини, тош эса букилмас ирода эканлигини англатади. Ҳижрон – бу ерда етук жамият ёки бадийий идеалга интилиш йўлидаги тўсиқ. Нурланиб комиллик касб этган Буддалар эса ўзаро учрашиб, мангу сокинликка эришган.

간 밤에 부던 바람에 만경도화 다 지거다  
아이는 비를 들고 쓸오려 하는고야  
낙환들 곁이 아니라 쓸어 무슴하리오

Тунги шамол тўккан шафтоли гулини,  
Бола йиғиштирмоқда. Улар гуллар эмасми?!  
Супуриб нима қияпсан.<sup>42</sup>

Чон Минкё (1697–1731) шеърдаги шафтоли гули бир лаҳзалик нозик гўзалликни англатади. Кореяда шафтоли гули илоҳий неъмат саналади. Болага мурожат қиларкан шоир тўкилган шафтоли гули, яъни инсон умрини давом эттиришни боладан сўраяпти. Шу ерда инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, авлодлар давомийлиги каби ғоялар намоён бўлади.

Рауф Парфи учликларида замонавий инсон руҳиятидаги эврилишларни, теран кечинмаларни тасвирлайди:

Кўзимга бир юлдуз йиқилди,  
Эриди, айланди бир тошга,  
Тешиб ўтди кафтимни<sup>43</sup>.

Мазкур шеърда қачонлардир улкан орзу-умид, ҳаётий режалар қурган, аммо уларга эришолмай, орзулар кўзларида тошдек қотиб қолган лирик қаҳрамон кечинмаси тасвирланган. Шеърдаги асосий ғоя инсонпарварлик саналади. Шеърдаги кўз, юлдуз, кафт деталлари ана шу принцип асосида ишлатилган ва бадийий мазмунни очиш учун хизмат қилган. Юлдуз бўлиб туюлган орзулари кўзи орқали қалбида тошга айланган ва бир умр кафтдаги

<sup>42</sup> Ни Н.И.Сиджо в системе жанров мировой лирике и традиций корейской национальной культуры. Автореф. ... дисс.канд. филол.наук. – Алматы. 1999. – С.22. Корейсча шеър таржимаси Н.И.Нига тегишли.

<sup>43</sup> Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Тошкент: O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2006. – Б.115.

оғриқ бўлиб қахрамонга азоб бераётган дард бу комиллик, етуклик, озодлик дарди саналади.

Хайку, сичжо ва учликда кичик топохронос ёки топохронос деталлари ёрдамида имкон даражада катта мазмунни ифодалаш бу шаклларнинг ўхшаш томонлари саналади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Шеър структурасида топохронос, образ ва образлилик**” деб номланади. У ҳам ўз навбатида икки фаслга ажратилган. “Топохронос ва шеърий матн структураси” деб номланган биринчи фаслида А.Орипов, Р. Парфи, У. Азим, Ҳ.Худойбердиева шеърлари матнидаги топохроноснинг вазифаси, образ ва образли ифодалар таҳлилидаги ўрни ҳақида фикр юритилган.

Шоир ўзи яратаётган бадий топохроносга кўп функцияли бадий код сифатида ёндашади ва унга турли бадий-эстетик мазмунларни сингдириб юборади:

Қани, най бер менга, дўстгинам,  
Бергил, майли рубоб бўлса ҳам.  
Бер бир нафас бўшатиб олай  
Тўлиб кетган юрагимни ман.<sup>44</sup>

Шеър тузилишига диққат қилинса, лирик воқелик “тўлган юрак” топохроноси атрофида кечади. Мазкур топохроносда ташқи ва ички олам муносабатлари, макон-замон чегараси яхлитлашган. Дастлаб “най”, сўнгра “рубоб” деталининг сўралгани кечинмалар тиғизлигини англатмоқда. Демак, шеър композициясидаги бадий мурожаат (дўстгинам) ва унга такрор мурожаатлар (“қани, ... бер менга”, “бергил”) сюжет линияси лирик қахрамон ҳаётида содир бўлаётган воқеалар маҳсули эканига ишора қолади. Моҳиятга кўра, барча воқеалар юракда, кенгроқ айтилса, лирик субъектда, яъни маълум маконда содир бўлган. Бироқ қайси вақтда деган саволга лирик субъектнинг ўзи “тўлиб кетган юрак” дея жавоб бермоқда. Демак, шу ерда топохронос аниқ сифати билан кўринган. Бир қарашда кечинмаларнинг мазкур ҳаракати ўта хусусий, тор субъективдек туюлади. Лекин бадий структурадаги шартлилик тамойили унинг умумийлиги юзага чиқишига асос бўлади.

*Қандай ширин дамлар... менинг ҳам  
Юрагимда бир ҳис тошмоқда,  
Юрагим ҳам дарахтзор каби  
Ниманидир олқишламоқда.*

Бу ерда аввалги бандлардаги кечинманинг кульминацион нуқтаси – “юракнинг олқишлаши”, инсонлаштирилишини кузатиш мумкин. Унда аниқ бадий макон ва бадий вақт ичидаги шахс мавжуд. Шеър композицияси шу ергача сатрма-сатр **ўсиб**, асосий тезисларни баён қилади ва охирида умумлашган хулоса берилади. Шу ерда экспозициядаги дўст, най, аниқ

<sup>44</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик, **1-жилд**. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент:Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 71.

топохронос қисми яна такрорланади. Натижада макон-замоннинг айланма доираси ҳам шакллантирилади.

Ю.М.Лотман ёзишича, муаллиф матни бир вақтнинг ўзида бир неча кодлар тизимида ишловчи қилиб қуради<sup>45</sup>. Масалан, “*Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар, / Тонг отмоқда, қуёш – замбарак. / Яраланган Ер шари ётар, / Бошларида яшил чамбарак*”<sup>46</sup>. Мазкур шеърда муаллиф дастлаб “тонг” ва “отмоқ” сўзларини махсус код сифатида уч марта қўллайди ва ҳар гал уларнинг янги маъно-моҳиятини очиб боради. Бу эса ўқувчи ички олами (яъний ботиний топохронос)да ҳам бир бутун лирик композиция сифатида намоён бўлади. Ботиний макон ва ботиний замон бизнинг тушунчамизга кўра қандай бўлишини хоҳласак, шундай кўрсатиб беради.

Шоир қалбида туғилган ҳиссиёт ва онгда яралган фикр уйғунлашиб, яхлит ҳолга келиши учун уларга ботиний макон-замон зарур бўлади. Шундагина лирик композиция, лирик қаҳрамон, лирик кечинма ҳақида тўлароқ бадиий маълумот олиш мумкин:

*Шундай кўз ўнгида хиёнат қилган хотини,  
Салтанат – тахтидан мангу қувилган султон,  
Роса юз йил томчи сувга ташна бўлган зот.  
Сочлари оқарган,  
Яраси қонаган овоз.*<sup>47</sup>

Лирик матндаги воқеа, шахс фожеаси бўлиб, унда лирик субъектга оид биографик маълумотлар умр топохроноси сифатида намоён бўлади. Лирик субъект бўлиб ўтган азобли, аламли ҳодисаларни унутолмай, ўз фожеасини қайта-қайта эслаш, ёдлаш орқали қалби ва руҳидан ўтказиши шеърдаги мазмун теранлиги ва кечинма табиатидаги ранг-барангликни таъминлаган. Бир қарашда тавсифий лирикадек туюлган шеърда автопсихологик ҳолат ифодаланган. Шу ерда лирик жанр чегараси, топохронослар ўртасидаги шартли белги бирлашиб кетади. Натижада хроно-топос-хронос шаклланади. Демак, бир маконда бир нечта замон белгилари йиғилган топосга тушадиган юклама ортади ва у лирик образ, шеърини матн композициядаги конфликт, сюжетлар кескинлигининг хронотоп-топохронос оша тасвирини ҳам намоён этади. Бунда умр топохроноси ва у англаган лирик сюжет (кечинма)нинг

<sup>45</sup>Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. – С. 251.

<sup>46</sup> Парпи, Рауф. Сайланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.36.

<sup>47</sup> Парпи, Рауф. Сайланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013, – Б.239.

матн

структураси

қуйидаги

кўринишда

бўлади:



Диаграммага диққат қилинса, битта умр топохроноси уч замондаги бадий-эстетик юкламани ифодалаяпти. Бунда албатта лирик субъект қалби азобланади. Бадий матндаги бадий ғоянинг таъсирчанлиги ошади.

Турли хронотопларнинг битта умумий топохроноста бирлашиб, хронотоп-топохросни шакллантирилишини Ҳ.Худойбердиеванинг “Бу – биз ўзбеклар!” шеърида ҳам кузатишимиз мумкин. Матнда ўтмиш, айни замон ва келажак ўртасидаги мутаносиблик яхлитлашиб, битта топохроноста ифодаланган:

Боболар фаромуш, кўриб сиртмоқ, дор,  
Асрдан асрга ўтди юпун, эгик, хор.  
Сарсон шамоллар-да увлади зор-зор:  
Биз киммиз?  
Қонлар кўп тўкилди, энди келгай шон,  
Бугун, асрдан асрга, беармон.  
Кўздай Сарбон билан ўтгувчи карвон.  
Бу – биз, Ўзбеклар!<sup>48</sup>

Ҳар қандай лирик шеър структурасида, аввало, топохронос ёрдамида маълум бадий вақт ва макон мутаносиблигини сақлаш лозим. Лирик шеъриятдаги макон-замон нисбатан тигиз, ҳиссиёт ва метафориклик асосига қурилган бўлиб, кечинмага бой бўлади. Топохронос ва унинг ўтмиш ҳамда келажакни боғловчи хусусияти ёки **архетип** сифатидаги менталь топохроносларни ички вертикаликда боғланиши шеър бадий мазмуни салмоғининг ошишини таъминлайди.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фаслида “**Шеър структурасида образ ва образлилик**” муаммоси тадқиқ этилган.

Шоир ботинида яратилган бадий олам ва унинг шеърий структураси воқеликни янги бадий-эстетик тасвири сифатида қабул қилиниши керак. Англаниш жараёнида ҳақиқий бадий матн структураси лирик кечинма, мазмуний қатлам билан тўлиб боради. Лирик шеър матни вазн ва қофияга солинган, субъективизмни ифодалайдиган асаргина эмас, балки тараққиёт

<sup>48</sup> Ҳудойбердиева Ҳ.Йўлдадирман: шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2006. –Б.277–279.

билан бақамти яшаётган, олам ва одам, шахс ва жамият муносабатларидаги мураккабликларни англаган шахснинг кечинма ва фикрлари ифодаси бўлади. Унда лирикага хос бўлган вазият, ҳиссиёт, жараён мавжуд бўладиги, бу хусусиятлар лирик шеърнинг ички топохроноси шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Анвар Обиджоннинг уччаноклари структурасидаги ўзига хослик воқеликни метафора ёки метафорик метонимия орқали ифодаланганда кўринади. Масалан:

Танамдан кўр сўнмоқда,  
Кўзимдан нур сўнмоқда...  
Дурга тўлиб борар бош.<sup>49</sup>

Бу ерда “умр” топохроноси ифодаланган. Шоир атайин “умр” сўзини тушириб қолдириб, унинг ўрнига умумий ҳолатда метонимия усули ёрдамида ўтаётган вақтга, умрга ишора қилмоқда. Шу тариқа шеърда метафорик образ ва метонимик усул ёнма-ён ишлатилиб, улар замирида аниқ топохронос ифодаланган. Аввало, бунда лирик қаҳрамоннинг бесамар ўтаётган умрга ачиниши, тугаб бораётган ғайрат, шижоатга ишора бор. “Кўзимдан нур сўнмоқда” сатри метонимик асосда кўзи хиралашиши деган жараёни қайта номлаш билан ўқувчига лирик қаҳрамон кечинмасини англатади. Лекин шеър билан яхлит метафорик бирикма ҳосил қилаётганини инобатга олсак, у ҳам метафорик образ яратишда ўзига хос вазифа бажаряпти. Яъни биринчи сатрда лирик қаҳрамон айтмоқчи бўлган умумий ғояни чуқурлаштириб, аниқлаштириб, такрорлаб келган. Лекин асосий гап айтилгани йўқ. Чунки лирик қаҳрамон кимдир унга панд бераётгани, нимадандир кўнгли тўлмаётганига ишора қилляпти. Аммо бу ҳали мавҳум. Ана шу мавҳумлик “Дурга тўлиб борар бош” сатри орқали йўқоляпти. Шу ерда ақласида метонимия орқали дур деб қайтаномланган. Дур орқали ақланетуккишининг кичик кечинмалари очиб берилган ва образ яратилган. У маъноқўчим туридан образ турига айланган.

Шоир шеърини асарда у ёки бу кодни қўллар экан, аввало, ўз моҳиятидаги бадиийлашган информация, кечинмани ташқи борлиққа олиб чиқади. Шеърда код белги, товуш, сўз, образ бўлиши мумкин ва буларнинг ҳар бири бадиий информацияларнинг координатори вазифасини ҳам бажаради:

Ой шодон, тун чароғон,  
Ухлар гўё чол Қўқон  
Худоёрхон қасрида. [158]

Аввало, бу ердадаги “қаср”га диққат қилиш керак, у “Худоёрхон” аниқловчиси билан конкрет топосга айланган, Қўқон метафорик асосда образга кўчган. Аммо дастлабки маъносида кичик топохронос сифатида ой, тун, қаср деталлари билан аниқ маконни, сўнгра, шеърдаги қаҳрамон моҳиятини, миллий характери, дунёқарашини очиб бермоқда. Шеърдаги ой

---

<sup>49</sup> Обиджон, Анвар. Танланган шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2006, – Б.254. Шоир шеърлари мазкур манбадан олинди. Кейинги ўринда саҳифа кўрсатилади.

гўзаллик, сокинлик, улуғлик тимсоли; ҳаво очиклигини билдирувчи восита, сўзловчининг кўтаринки кайфияти ҳақида маълумот беради. Лекин лирик қаҳрамон онгидаги асосий ният бу **эмас, балки** Қўқон образидир. Чунки Қўқон миллий ўзликни англаш, тараққиётни бошқариш салоҳиятига эга катта ижтимоий куч бўлган.

“Абориген дардлари” номли бир туркум учликда жўшқинлик, даъваткорлик, кураш, душманга қатъий жавоб етакчилик қилади.

Қандай иблис доллар бу?

Менга қарши ёллар у

Ҳаттоки ўз ўғлимни. [168]

Шеърда топохронос сифатида ҳозирги Америка қитъасидаги воқеа олинган. Европаликлар мустамлакачилар маҳаллий халқларни босиб олиш учун қабила ичидан иродаси бўш кимсаларни топиб, пул, ахлоқсиз оқ танли аёл эвазига улардан қабиланинг асосий стратегияси, ожиз томонларини билиб олган ва ерларни қўлга киритган. Бу умумий ҳолда юқоридаги мавзунинг мантикий давоми саналади. Лекин у бошқа мустақил шеър доирасида кечяпти. Бундан ташқари, шеърдаги мавзу XX аср охири ва XXI аср бошларида баъзижойларда юз берган воқеликка оҳангдошлигига кўра, ундаги бадий топохронос универсаллик касб этган, дейиш мумкин.

Бадий асардаги образ шунчаки персонаж ёки мажоз эмас, аслида унинг ҳаракат доираси кенгрок бўлиб, лирик воқелик содир бўладиган топохронос ҳам образ сифатида келиши мумкин ёки асосий образнинг вазифасини бир қадар тўлдириши, ойдинлаштириш мумкин. Бадий образ кўриладиган, ҳис этиладиган, англанадиган тасаввур, тушунча, фараз; ҳаётни бадий тарзда қайта ифода этадиган нарса, ҳодиса, манзара, одам, сўз, ибора қабилар йиғиндиси саналади:

Тинмай **кўзёш** тўкётиб,

**Кўзёшига** чўкётиб,

“Бахтлиман!” деб қичқирди. [158]

Анвар Обиджон шеърда бош образга тавсиф берар экан, унинг иродали, ҳаётни севувчи, кечиримли эканлигини кўрсатиб бериш учун халқ тилига хос элементларни ишлатади (тўка ётиб – тўкётиб; чўка ётиб – чўкётиб). Композион жиҳатдан шеър тезис, тезис, антитезис шаклидадир. Шеърдаги “тўкётиб”, “чўкётиб” сўзларининг қофияси, “**кўзёш**” сўзи ва “**ў**” товушининг такрори шеърнинг ҳиссий таъсирини таъминлаган. Лекин охири сатр биринчи ва иккинчи мисрадаги ҳиссий динамикани пасайтирган. Бироқ “тўкётиб”, чўкётиб сўзларининг “бахтлиман” маъносибилан зиддияти образ мазмунини кучайтирган.

Образ санъатда воқеликнинг қайта идрок этилиши маҳсули, яъни топохронос эканлигидан келиб чиқсак, образнинг моҳияти ойдинлашади. Унда зулм остида эзилиб, ҳақсизликдан қийналиб яшаган, бироқ ана шундай ҳолатда ҳам иложсизликдан бахтлиман, дейишга мажбур бўлган одам тасвири бор. Шоир ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларидаги воқеликни ўз кўзи билан кўрган ва жамиятдаги мавжуд қарама-



қаршиликлардан таъсирланган. Бунинг натижасида қалбида, шуурида зиддиятли образнинг асл моҳияти шаклланади.

Демак, образ яратишда шоир топохроноснинг имкониятларидан унумли фойдаланган ва семантик белгиларни зарур ўринда бадиийлашган кодга айлантирган. Сўз ва бадиий матннинг маъносини қаршилантириш, ўзаро зидлаш орқали образга шартлилик, ассоциативлик бағишлаган.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Адабиётдаги бадиий макон ва бадиий замон категориясига оид илмий-назарий қарашларни ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик ва тарихий аспектда ўрганиш ҳамда мавжуд манбаларни тизимлаштириш натижаси ўлароқ, макон ва замон категорияси борлиқнинг мавжуд бўлиш шарти сифатида қадим замонлардан бери илм-фан объекти бўлиб келганлиги аниқланди. Хусусан, адабиётшуносликда ҳам “адабиёт оламнинг инъикоси”, “адабиёт реал воқеликни бадиий акс эттириш воситаси” каби қатор мантиқий хулосаларда адабиётнинг реал макон ва замонни бадиий ифодалашни ёки қайта ташкиллаши ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун бадиий макон ва бадиий вақт категорияси адабиётшунослик, жумладан, кичик лирик шеърлар тадқиқида ҳам долзарб ҳисобланади.

2. Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Ҳамза каби шоирларнинг ғазал, рубоий сингари кичик лирик асарларидаги лирик сюжет ҳамда асар структурасида бадиий макон ва бадиий вақт категориясининг ўрни катта бўлиб, баъзи шеърларда дастлаб, тезис, сўнгра лирик сюжет тасвири ёки олдин сюжет, сўнгра тезис қўлланиши орқали жанрларнинг мазмуний композицияси конкретлашгани ва бадиийлиги ортгани кузатилди.

3. Лирик шеърятдаги “бадиий макон ва бадиий замон”, “бадиий замон ва бадиий макон” каби тушунчаларнинг терминологик маънолари бир-биридан қисман фарқ қилади. Биринчисида макон бирламчилиги, кейингиси эса вақт, замонга урғу берилади. Бу эса кичик лирик шеър жанри, ундаги лирик композиция, лирик сюжет каби поэтик масалалар ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Турсун Али, Ғулом Фатҳиддин, Зебо Мирзо каби шоирлар шеърлари таҳлилларида аниқланди.

4. Топохронос концепт (тушунча, тасаввур) бўлиб, инсон менталь оламидаги тушунчаларнинг бадиий асар яратишдаги ўрни, шоир ички оламидаги фикр ва тасаввурларнинг маълум бадиий ниятасосида уч ўлчамли олам моделини назарда тутди. Бунда ҳар бир шеър учун алоҳида ботиний топохронос шаклланади. Хусусан, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Турсун Али, Ғулом Фатҳиддин каби шоирлар шеърлари мисолида фикримиз исботини топди. Шунинг учун топохронорос макон ва замоннинг шунчаки бирлиги эмас, балки инсон тафаккури, тасаввури учун реал борлиқда мавжуд бўлган воқеликнинг кўпмаъноли образи дейиш маъқул кўрилди.

5. Лирик шеърят учун макон ва замон бирлиги муҳим саналиб, ундаги воқеаларга вақт бирламчилиги эътибори билан қаралса, у хронотопга айланади. Натижада лирик шеърятдаги вақт қамрови кенгайиши, бир мазмуни доирасига бутун инсониятнинг муҳаббат тарихига оид қарашлар сингиб кетиши Зебо Мирзо шеъри мисоли таҳлилида очиб берилди. Шунинг учун топохронос хронотопга қарама-қарши қўйилмади, балки макон ва замон категориясининг икки хил шакли сифатида олинди.

6. Аслида топохронос ва хронотоп макон ва замон муносабатларининг икки хил шакли сифатида мавжуд. Лекин бизнинг назаримизда, шоир оламни уч ўлчамда англаган экан, макон бирламчилигини англаган ҳолда кичик лирик шеърда вақтни, кечинма ҳаракатини ифодалайди. Аммо шундай ҳолатда ҳам кичик лирик шеърда макон бирламчи бўлиб қолаверади. Чунки лирик воқелик асосида материя ёки бадий макон мавжуд бўлади.

7. Ҳар қандай лирик шеърда поэтик хусусиятларни шакллантириш учун хизмат қиладиган лирик композиция, лирик кечинма, лирик образ каби бадий константалар қаторида топохронос бўлиши илмий исботини топди. Шунинг учун кичик шеър асарларни таҳлил этишда мазкур масалани ҳам қўшиб таҳлил этиш асар бадий-эстетик юкламасини тўлароқ англашга ёрдам берди.

8. Тадқиқот давомида замонавий ўзбек шеърятининг вакиллари шеърларини таҳлил қилиш орқали улардаги лирик шеър композицияси, сюжети ва лирик кечинма ифодасида топохроноснинг мувофиқлаштирувчи, умумлаштирувчи, лирик субъект ички оламидаги ботиний оламни аниқлаштирувчи каби қатор бадий-эстетик функциялари мавжудлиги аниқланди.

9. Кичик лирик шеърларнинг жанрини белгилашда топохронослирик воқеликни тавсифий, ижровий, персонажли, медитатив кўринишда ифодалаши етакчилик қилади. Натижада лирик композиция, лирик кечинма мазкур жанрлардан бирига мос келиши учун шоир топохроносни шунга мувофиқ равишда кўрсатади. Бу эса лирик шеър жанрини белгилашга хизмат қилади. Жанри аниқланган шеърдаги шаклий-услубий ўзига хослик ва бадий-эстетик хусусиятларни баҳолаш мумкин бўлади.

10. Лирик шеърлардаги топохроносни қуйидагича тасниф қилиш мумкин: 1. Ташқи топохронос. У диспозиция (ўз навбатида фабулага ҳам мос келади)ни белгилайди. 2. Ботиний топохронос шоир ички оламида ташқи топохроноздан олинган предмет, объектив тасвир ёрдамида шеърдаги бадий мантиқни, мазмунни шакллантиради. Бундан ташқари, шеърдаги топохроносни бадий-эстетик функцияси, тасвир кўламига кўра ҳам 1) улкан, 2) катта, 3) кичик топохроносларга ажратиш мумкин. 3. Топохроносларни очик (боғ, ўрмон, тоғ) ёки ёпиқ (уй, хона, интерьер кабилар) каби турларга ажратилади.

11. Изланиш давомида ботиний топохронос ретроспектив асосда ўтмишдаги топохроник жараён (воқеа)га ёки футурологик нуқтаи назардан келажакни ифодалашига кўра ҳам лирик сюжетларни жамловчи эканлиги кўрилди. Натижада шеър структурасидаги топохроноснинг вазифасига кўра ўтмиш, бугун, келажак топослари билан яхлит тизимга айланиб, асар мазмунига салмоқдорлик бағишлайди.

12. Шоир ўзи англаган воқеликни бадиий идрок этар экан, унда топохроносга оид предмет, воқелик, тушунча, тасаввур кабиларни яхлитлайди, умумлаштиради, улардан бетараф ёки ўзи идрок қилган ҳамда яратаётган ботиний топохроносга хосларини қолдиради. Нафақат қолдиради, балки уларга қўшимча бадиий-эстетик вазифа юклаб. ўқувчига завқ берадиган, уни фикрлашга ундайдиган, комилликка етаклайдиган бадиий асарга айлантиради. Шу маънода топохронос бадиий ижодий психологиянинг асосий объекти ҳам бўла олади.

13. “Навбахор ўлди”, “Баҳор келди” каби сўз бирикмалари, “ўрмон”, “йўл” каби сўзлар билан бошланган баъзи шеърларда хронотоп етакчидек туюлади. Аслида тасвирланаётган воқелик маълум бир маконда юз бераётганини эътиборга олиш лозим. Бунда макон ва замон деярли тенг намоён бўлиши ёки топос бирламчилиги мавжуд. Шунинг учунмазкур шеърларда юқоридаги сўз бирикма ва сўзлар топохронос сифатида олинди.

14. Учликларнинг япон хайку ва корейс сичжолари билан қиёсий-типологик таҳлили жараёнида лирик воқелик, лирик кечинма умумий топохронос асосида юзага чиқиши, мисралар миқдори ва композицион қурилишига кўра ўзаро яқинлиги аниқланди. Аммо мазмунни ифодалашда ишлатилган топохронос ҳамда уларни тасвирлашда қўлланган тасвирий воситаларда фарқли жиҳатлар мавжуд.

